

# **ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯДА ИННОВАЦИЯЛАР**

---

## **ИННОВАЦИИ В ПЕДАГОГИКЕ И ПСИХОЛОГИИ**

---

### **INNOVATIONS IN PEDAGOGY AND PSYCHOLOGY**

№3 (2019)



TOSHKENT-2019

DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9513>  
Педагогика ва психологияда инновациялар/Иновации в педагогике и психологии/  
Innovations in pedagogy and psychology  
№3 (2019) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9513-2019-3>

**Бош муҳаррир:**  
**Абдуллаева Барно Сайфутдиновна** —  
Педагогика фанлари доктори, профессор

**Бош муҳаррир:**  
**Баратов Шариф Рамазанович** —  
Психология йуналиши Бош муҳаррири

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигидан 23.02.2018 йилда,  
1175-сонли гувоҳнома билан рўйхатдан ўтказилган

**Таҳрир ҳайъати:**

**Уразова Марина Батировна** —  
Педагогика фанлари доктори

**Муслимов Нарзулла Алиханович** —  
Педагогика фанлари доктори, профессор

**Джораев Муҳамматрасул** —  
Педагогика фанлари доктори, профессор

**Нурманов Абдиназар Ташбаевич** —  
Педагогика фанлари доктори

**Халиков Аъзам Абдусаломович** —  
Педагогика фанлари доктори

**Аюпова Мукаррам** —  
Педагогика фанлари номзоди, профессор

**Ҳамидов Жалил Абдурасулович** —  
Педагогика фанлари доктори

**Тўрақулов Олим Холбўтаевич** —  
Педагогика фанлари доктори

**Шорена Дзамукашвили** —  
Педагогика фанлари доктори

**Шорена Вахтангишвили** —  
Педагогика фанлари доктори

**Верстка:** Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналлов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амир Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

---

# ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯДА ИННОВАЦИЯЛАР ИННОВАЦИИ В ПЕДАГОГИКЕ И ПСИХОЛОГИИ INNOVATIONS IN PEDAGOGY AND PSYCHOLOGY

---

**Эрназаров М.Ю.**

Ўзбекистон, Термиз, Термиз давлат университети  
тел.: (+99891) 969-67-69, e-mail: ernazarov.mirzohid@mail.ru

**Фуломқодиров К.А.**

О`zbekistan, Termiz, Termiz davlat universiteti.  
тел.: (+99891) 900-18-25, e-mail: kommiljon@mail.ru

**Зиякулова Ш.А.**

О`zbekistan, Termiz, Termiz davlat universiteti.  
тел.: (+99890) 520-89-23, e-mail: shahnozaziyaqulova@gmail.com

## ТАЪЛИМДА АХБОРОТ - КОММУНИКАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН КЕНГ ФойДАЛАНИШ



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9513-2019-3-3>

---

### АННОТАЦИЯ

---

Ушбу мақолада фанларни ўқитиш жараёнида ахборот - коммуникацион технологияларидан қандай кенг фойдаланиш мумкинлиги кўрсатиб берилган.

**Kalit so`z:** метод, электрон ўқув курси, таълим технологиялари, Google Translate.

---

## WIDESPREAD USE OF INFORMATION AND COMMUNICATION TECHNOLOGIES IN EDUCATION

### ANNOTATION

---

This article shows how information and communication technologies can be widely used in science teaching.

**Keywords:** method, e-learning course, educational technology, Google Translate.

---

## ШИРОКОЕ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ИНФОРМАЦИОННЫЕ И КОММУНИКАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ В ОБРАЗОВАНИИ

### АННОТАЦИЯ

---

В этой статье показано, как информационные и коммуникационные технологии могут широко использоваться в образовании.

**Ключевые слова:** метод, курс электронного обучения, образовательные технологии

---

**И**лм - фаннинг тараққий этиши ва уни ривожланаётган жамиятнинг барча соҳаларида кенг фойдаланиш катта ўзгаришларга сабаб бўлмоқда. Хозирги

таълим тизимини янги, замонавий технологияларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Таълим тизимида қайси фан соҳаси бўлишидан қатъий назар замонавий ахборот - коммуникацион ва таълим технологияларидан фойдаланмаган ҳолда дарс ўтиш бу - очиқ уммонда қўл ва оёқларни ишлатмасдан сузишга қиёслаш мумкин. Охири доимо аниқ - "чўкиш". Назаримда таълим жараёнида ҳоҳ у мактабдаги она-тили дарси бўлсин, ҳоҳ университетдаги машинасозлик фани бўлсин қуйидаги технологиялардан дарс жараёнида фойдаланиш жуда яхши натижа беради:

- қатнашувчиларда мустақил илмий изланишлар,
- янги замонавий қурилмалар, дастурлар ва технологиялардан хабардор бўлиш,
- гуруҳлар аъзоларини ўзаро ҳамкорлик асосида ёки кичик гуруҳларда ўқитиш,
- даражаларга саралаш ва ҳ.к.

Таълимда дарс ва дарсдан ташқари жараёни режалаштиришда замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш таълим сифатини ва дарс жараёнини шакллантириш даражасини белгилаб беради. Олий ва ўрта махсус таълим тизими дарсларида якка ва гуруҳларга бўлиш, билим даражасига кўра саралаш, соҳага оид янгиликларни ёритиш, мустақил олинган билимлардан фойдаланиш каби методлардан фойдаланиш мумкин.

Қатнашувчиларда мустақил илмий изланишлар.

Талабаларда ҳар ярим йилликда ўтилувчи фанларда мустақил таълим мавзулари бериб борилиши ҳечкимга сир эмас. Ушбу методнинг асосий мақсади ўтилувчи фан дастурига киритилган мавзулар билан чегараланиб қолмасдан, мустақил таълим мавзулари устида изланишлар олиб бориш жараёнида бошқа қўшимча техник ва дастурий воситалар таклиф этадиган хизматлардан самарали фойдаланишни англатади. Масалан: Ботаника фанига тегишли бўлган мустақил таълим мавзусига алоқадор бўлган маълумотларни излаш жараёнида фақатгина ўзбек тилида қидирмасдан, интернет орқали Google Translate (Google таржимон) хизматидан фойдаланиб инглиз, рус ва кўпгина дунё тилларида излаш катта имкониятларни очиб беради. Бунда ушбу мавзу юзасидан дунёнинг бошқа мамлакатларида чоп этилган мақолалар, қилинган энг сўнги янгиликларни, илмий изланишлар натижаларини билиш билан бир қаторда, қидирув ва тайёрлаш жараёнида қўшимча дастурий ва техник воситалардан фойдаланиш ва энг муҳими муҳтарам президентимиз томонидан илгари сурилаётган беш муҳим ташаббуснинг учинчиси бўлган ахборот - коммуникацион технологияларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш кўникмаси шаклланиб боради.

Замонавий қурилмалар, дастурлар ва технологиялардан хабардор бўлиш.

Тинимсиз юксалиб бораётган таълим тизимида дарс жараёнини замонавий қурилмалар, техник ва дастурий воситаларсиз тасаввур этишнинг сира имкони йўқ. Олимларнинг аниқлашича инсон ташқи муҳитдан келаётган маълумотларни қабул қилиш жараёни фақат эшитиш тизими орқали эмас балки ҳам эшитиш, ҳам кўриш орқали бўлса қабул қилинган маълумотнинг хотирада сақлаб қолиниш фоизи деярли икки маротабага ошаши исботланган. Шу сабабли дарс жараёнларида мавзунини фақатгина гапириш орқали тушунтирмасдан қўшимча жихозлар ( масалан: видеопроектор) орқали мултимедиа ва турли анимациялар орқали ёритилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Шу сабабли ҳам давлатимизда таълим сифатини ошириш мақсадида муассасаларнинг моддий - техникавий базасини оширишга катта эътибор қаратилмоқда.

Гуруҳ аъзоларини ўзаро ҳамкорлик асосида ёки кичик гуруҳларда ўқитиш.

Ҳар бир гуруҳда ўзлаштириши, берилган билимларни қабул қилиш кўникмаси юқори талабалар билан бир қаторда, бир маълумотни бир неча марта такрорлашга қарамай ўн дақиқадан кейин сўрасангиз индамай тураверадиган қабул қилиши оғир талабалар борлигини ҳам инкор этиб бўлмайди. Мазкур методда гуруҳ аъзолари сонидан ва билим даражасидан келиб чиққан ҳолда икки кишидан иборат ҳамкорликларга ёки кичик гуруҳчаларга бўлинади. Ҳамкорликдан асосий мақсад гуруҳнинг зукко, билимдон талабаларига гуруҳдан ортда қолувчи талабаларни бириктириш. Бунда асосий ютуқ биринчидан зукко талаба ўз билимларини такрорлаш орқали янада мустаҳкамласа, қоқоқ талаба мавзунини қайта - қайта ўрганиш орқали ўзлаштириш кўрсаткичи яхшиланиб боради. Лекин талабаларнинг бир - бири билан чиқишишларини, яшаш жойлари орасидаги масофани ва бир кунда неча соат бирга шугуллана олишларини ҳисобга олган ҳолда бириктириш керак бўлади. Акс ҳолда бу усул ҳеч қандай натижа бермасдан ва аксинча билимли талабани ҳам ортга тортиши мумкин.

Даражаларга саралаш.

Бунда гуруҳ маълумотларни қабул қилиш ва қайта ишлаш қобилиятларига қараб юқори, ўрта ва паст тоифали "А", "Б", "С" гуруҳчаларга бўлинади. Мазкур методдан асосан амалий ва тажриба машғулотида фойдаланаман. Битта вазифани талабалар билим ва кўникма даражасидан келиб чиққан ҳолда бажаради. Шу сабабдан вазифа баъзи талабаларга энгиллик қилса, бошқаси учун анчайин мураккаб бўлиши мумкин. Топшириқ мураккаблик қилган талабаларда "қўлидан иш келмас эканлиги" ни тушуниш топшириққа ва фанга бўлган қизиқишининг сўнишига, психологик жиҳатдан анчайин кучли зарба бўлиб келажагига ҳам хавф солиши мумкин. Шу сабабли ҳар бир ўқувчи ёки талабага унинг даражасидан келиб чиққан ҳолда топшириқ бериш унинг интилувчанлигини, қизиқишини ва ўзига бўлган ишончини ошириб боради. Оқибатда қизиқиш устунлик қилиб ўз устида ишлаш орқали қуйи гуруҳдаги талабалар юқори гуруҳларга кўтарила боради.

Юқоридагилар билан бир қаторда фанлардан электрон ўқув курсларининг жорий этилиши нафақат мазкур фанлар ўтилаётган таълим муассасалари ўқувчи, талабаларига балки, мазкур соҳага қизиқувчи, мактаб ёки университетни аллақачон тамомлаган катта ёшли қизиқувчилар, имконияти чекланган болалар учун ҳам катта фойда беради.

## Фойдаланилган адабиётлар

1. Di Salvio, Phillip. "Shifting Landscapes, Changing Assumptions Reshape Higher Education." *New England Journal of Higher Education*. June 11, 2012.
2. Goldberg, Jonah. "Innovation vs. Regulation: when entrenched interests face competition, wealth and opportunity can skyrocket." *National Review*. February 26, 2014.
3. Информатика. Компьютерная техника. Компьютерные технологии. / Пособие под ред. О.И.Пушкарёва. - Издательский центр "Академия", Киев, - 2001 г.
4. Клименко С., Уразметов В. Интернет: Среда обитания информационного общества // ИФВЭ, МФТИ. - Протвино: РЦФТИ, 1995.
5. Колин К.К. Информационная цивилизация: будущее или реальность? "Библиотекосведение". Изд-во РГБ "Пашков дом". М., 2001. № 1.
6. Колин К.К. Фундаментальные основы информатики: социальная информатика. Изд-во "Академический проект". М., 2000.
7. Недорезов, В.Г. Специфика технического знания / *Credo* №4(16), Теоретический философский журнал, 1999
8. Образование и XXI век: информационные и коммуникационные технологии. М.: Наука, 1999
9. Ракитов А.И. Философия компьютерной революции. - М.: Политиздат, 1991 10. Хоц А.Ю., Аксёмов Б.В. Информационная революция в контексте трансформации современной культуры // *Проблемы философии культуры: Сборник статей*. - Ставрополь: Изд-во СГУ, 1999.

## МУНДАРИЖА

<b>Babahodjaeva N.M., Shonazarov S.Q.</b> USING THE ELECTRONIC EDUCATIONAL-METHODICAL COMPLEX IN DEVELOPING QUALITY OF TEACHING THE SUBJECT "THEORY OF ALGORITHMS" .....	3
<b>Джурраев М.К., Каршиев Ж.М.</b> МЕТОД КОРРЕКЦИИ ТЕКСТОВ НА ОСНОВЕ ВЕРОЯТНОСТНОЙ МОДЕЛИ СОВЕРШЕНИЯ ОШИБОК.....	8
<b>Эрназаров М.Ю., Гуломқодиров К.А., Зиякулова Ш.А.</b> ТАЪЛИМДА АХБОРОТ - КОММУНИКАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН КЕНГ ФОЙДАЛАНИШ.....	14
<b>Mamatkabilov A.X., Xujamurodov Sh.A.</b> TA'LIMDA SUN'IY INTELLEKT TUSHUNCHASI.....	17
<b>Mengliyev Sh.A., Bozorov A.X., Xolliyev F.B.</b> ELEKTRON DARSLIKDAN FOYDALANISHDA TA'LIM SIFATINI OSHIRISH OMILI.....	20
<b>Нарбаев Азамат Бахрамович</b> АСТРОНОМИЯНИ ИННОВАЦИОН ДАСТУРИЙ ВОСИТАЛАР ОРҚАЛИ ЎҚИТИШНИНГ САМАРАДОРЛИГИ.....	24
<b>Toyirov A. X., Tuxtayeva N. R., Toyirova V. X.</b> THE USAGE OF SOFTWARE PRODUCTS TO TEACHING MATHEMATICAL KNOWLEDGE TO PRESCHOOLERS: PROBLEMS AND SOLUTION.....	29
<b>Ziyakulova Sh.A., Gulomkodiroy K.A., Ernazarov M. Y.</b> ELEKTRON O'QUV KURSINI AMALGA OSHIRISH SHAKLLARI VA UNING O'QUV-TARBIYA JARAYONIDAGI O'RNI.....	35
<b>Мусаева Рано Халиковна, Мусаева Нигина Хамидовна, Акромов Достон</b> ЕТМАК ИЛДИЗИ ЭКСТРАКТИНИ БУФЛАТИШ ЖАРАЁНИ УСКУНАЛАРИНИНГ ТИЗИМИ ТАҲЛИЛИ.....	42

# ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯДА ИННОВАЦИЯЛАР

---

## ИННОВАЦИИ В ПЕДАГОГИКЕ И ПСИХОЛОГИИ

---

## INNOVATIONS IN PEDAGOGY AND PSYCHOLOGY

**№3 (2019)**

Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амир Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000